

ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-март ойларида Самарқанд вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3584,8 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 3,0 % га ўсди.

2018 йилнинг январь-март якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 961,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,1 % га юқоридир.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Самарқанд вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,5 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2017 йил январь-марта га нисбатан % да
	2017 йил январь-марти	2018 й. январь-марти	
I. ЯҲМ	2905,2	3584,8	103,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2837,1	3465,2	103,0
Маҳсулотларга соғ солиқлар	68,1	119,6	102,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2837,1	3465,2	103,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	259,4	353,0	102,0
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	874,2	1071,0	98,7
саноат	694,1	843,2	96,8
қурилиш	180,1	227,8	106,1
Хизматлар	1703,5	2041,3	105,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	367,8	455,2	103,0
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	399,2	435,8	106,4
бошқа хизмат тармоқлари	936,5	1150,3	105,7

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,0 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 10,2 %), маҳсулотларга соф солиқлар – 102,4 % (3,3 %), қурилиш – 106,1 % (6,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,0 % (13,1 %), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 106,4 % (12,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,7 % (33,2 %) ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 96,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 3,3 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,1 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 10,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,1 % пунктга ўсди ва 30,9 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-мартида 58,9 % ни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-марти (60,1 %) билан таққосланганда 1,2 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 13,1 % ни (2017 й. – 13,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 12,6 % ни (14,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 33,2 % ни (33,0 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2017 йанварь-март



2018 йанварь-март



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Самарқанд вилоят статистика бошқармаси.
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: Ш.Тошпўлатов
(71) 230-85-19